Шартнома-ҳисоб № 1.

"5." "01." 2022 йил Тошкент шаҳри

INNOVATSION G'OYALAR IJODIY UYI" МЧЖ директори Р.Рўзибоев, Устав асосида иш юритувчи қуйида «Таҳририят», бир томондан ва „Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ номидан, К.Ш. Юсупов Устав асосида иш юритувчи, қуйида "Обуначи", иккинчи томондан, биргаликда кейинчалик томонлар, ушбу шартнома-ҳисоб (қуйида "Шартнома") ни ўзаро келишган ҳолда туздилар.

**Шартнома моҳияти**

**1.1** "Обуначи" "**Тадбиркор ва истеъмолчи**" газетасига **2022 йил** учун обуна бўлади , "Таҳририят" эса газетани ойда 2 марта нашр этади ва "Обуначи" манзилига қуйидаги шартлар асосида етказиб беради:

| Нашр номи | обуна баҳоси | Обуна миқдори | Умумий сумма |
|---|---|---|---|
| **"Тадбиркор ва истеъмолчи" газетаси 2022 йил учун** | **275 000 сум** | 11-дона | 3025000 сўм |

1.2.Шартнома умумий суммаси(*сўз билан*) Уч миллион йигирма беш минг сўм

**2. Газета жўнатадиган манзил**

**2.1.** Газета сонларини, улар нашрдан чиққан кундан 3 (уч) иш кунида «обуначи»га қуйидаги манзил бўйича жўнатади: __________, ____________________, ____________________, ____________________,

*(индекс) (вилоят, Республика) (шаҳар, туман)*

*(МФЙ)*

____________________, ____________________, ________.

*(кўча) (уй)*

2.2. Газета икки ва ундан ортиқ манзилга жўнатиладиган ҳолатда мазкур шартномага «Обуначи» томонидан манзиллар кўрсатилган рўйхат илова қилиниши шарт.

**3.Ҳисоб-китоб тартиби**

**3.1**"Обуначи"мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5*(беш)* иш кун ичида "Таҳририят"га олдиндан шартнома умумий суммасининг 100% миқдорида пул маблағларини тўлайди.*(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Бюджетдан маблағ олувчининг харид қилишда 15%дан ортиқ миқдорда аванс тўлаш мумкин бўлган товарлар "ишлар,хизматлар"нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"2011 йил 24-августдаги 241-сон қарорига илованинг 13-устунига мувофиқ "даврий нашрларга обуна бўлиш шартноманинг умумий суммасидан 100% миқдорда амалга оширилади"*).

**4.Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1.Томонлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни қисман, лозим даражада ёки умуман бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

4.2."Таҳририят" томонидан "Обуначи"га хизмат кўрсатиш кечиккан ҳолда "Таҳририят" ҳар бир кечиккан кун учун "Обуначи"га хизмат кўрсатилмаган сумманинг 0.5% миқдорида, жами хизмат кўрсатилмаган сумманинг 50%дан ошмаган ҳолда пеня тўлайди.

4.3."Обуначи" кўрсатиладиган хизмат учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда "Таҳририят"га кечиккан ҳар бир кун учун, шартнома асосида тўланмаган сумманинг 0.4%миқдорда пеня, жами шартнома умумий суммасининг 50%гача миқдорда пеня тўлайди.

4.4.Шартнома талаби асосида хизмат кўрсатилмаган ҳолда ёки белгиланган муддатда тўлов амалга оширилмаган ҳолда томонлар мазкур шартнома суммасининг 20%миқдорида жарима тўлайдилар.

4.5"Обуначи"томонидан газеталарни олиш учун кўрсатилган манзил нотўғрилиги сабаб газеталар етиб бормаса, "Таҳририят" жавобгар ҳисобланмайди.

4.6.Газеталар "Обуначи"га жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат- почта томонидан тасдиқланган реестр ҳисобланади.

4.7."Обуначи" почта индекслари ва манзиллар тўғрисидаги маълумотларни "Таҳририят"га тўлиқ тақдим этмаса, "Таҳририят" томонидан газета маълумотлар тўлиқ берилмагунига қадар етказиб берилмайди.

**5.Форс-мажор ҳолати**

5.1.Томонлар ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг хоҳиш ва истагидан ташқари пайдо бўлган ҳолатлар (уруш, табиий офатлар, ёнғин, ҳукумат қарорлари ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолатларда бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

**6.Шартноманинг амал қилиш муддати**

6.1.Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача, бошқа ҳолларда томонлар ўз мажбуриятларини бажарганга қадар амал қилади.

6.2.Мазкур шартнома муддатидан олидин томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ; Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда; Форс-мажор ҳолатларида бекор қилиниши мумкин:

**7.Низоларни ҳал қилиш**

7.1. .Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар томонлар келиша олмасалар, Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва бошқа тегишли ҳужжатларга асосан жавобгар томоннинг юридик манзили бўйича Иқтисодий суд кўриб чиқиши орқали ҳал қилинади.

**8.Бошқа шартлар**

8.1.Мазкур шартнома икки нусхада имзоланган бўлиб, ҳар бири тенг юридик кучга эга. Шартномага киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала томонлар орқали имзоланиши шарт.

**9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ**

| ИЖРОЧИ | БУЮРТМАЧИ |
|---|---|
| **"INNOVATSION G'OYALAR IJODIY UYI" МЧЖ** | ООО "SAMARQAND SUV TA'MINOTI" |
| **Манзили: Тошкент ш. Навоий-44** | г.Самарканд, ул.Узбекистанская 114-А |
| **Почта ин. 100021** | Тел: 60237-04-08; 60237-48-85 |
| **Х/р: 20208000100633775001,** | Р/С 20208000100307743001 |
| **Банк ОАТБ «Ҳамкорбанк» МФО: 00443** | Самаркандский обл. филиал АКИБ "Ипотека банк" |
| **СТИР: 304078287 ОКОНХ: 19400** | г.Самарканд МФО:00312 141100 |
| **Тел.: 71 242 33 06, Факс: 71 242 33 02** | ИНН 200613125 ОКЭД 36000 |
| **Email: t.istemolchi@mail.ru** | |
| **Директор:** __________ **Р.Рўзибоев** | |